

«ТАСДИҚЛАНДИ»



“Сурхондарёсувқурилишинвест”
ДМ директори:

С.Авазов

2022 йил

Олтинсой туман Чинор махалласидаги Оксув каналини 1 км туннел тешиб,
реконструкция килиб, каналдан сувни олиб келиш

объекти бўйича:

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИКДИ

“Сурхондарёсувқурилишинвест” ДМ
Ташкилот номи

2022 йил

МУНДАРИЖА

НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ

(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)

ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ
МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМ

БУЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ

ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

"Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ
(Буюртмачи ташкилот номи)

Энг яхши тақлифни ТАНЛАШ учун эълон қилади

Объект номи: Олтинсой туман Чинор маҳалласидағи Оксув каналини 1 км туннел төшиб, реконструкция килиб, каналдан сувни олиб келиш бошланғич нархи – 432 000 000 сўм. (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати - 10 календарь кун.

Буюртмачи: **"Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ**
•, Тел (76) 223-34-41 (99) 317-72-00.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
 - ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
 - ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги тақлифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин
- ◆
 - ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
 - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тутайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

"Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ:



С.Авазов

С.Авазов

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Олтинсой туман Чинор маҳалласидаги Оксув каналини 1 км туннел тешиб, реконструкция килиб, каналдан сувни олиб келиш "Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ (буортмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Олтинсой туман Чинор маҳалласидаги Оксув каналини 1 км туннел тешиб, реконструкция килиб, каналдан сувни олиб келиш

Жорий таъмирлаш бошлангич нархи – 432 000 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш мўддати – 10 календарь кун.

Буортмачи: **"Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ**, тел (76) 223-34-41 (99) 317-72-00.

Молиялаштириш манбаси: : Махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар кўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизmlар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳакидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун хужжатларига мувоғиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича курилишда ишлатиладиган машина ва механизmlар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандага нотўғри маълумот берилса тендер хужжатлари кўрилмасдақ қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш ҳужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳакида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъмирлаш ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 10 (үн) кундан кейин танлаш комиссияси томонидан бўлиб ўтади.

"Сурхондарёсувқурилишинвест"



С.Авазов